

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортиментги, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Маҳсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» «маҳсулот етказиб берувчи»га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, «маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

5.6.1. хар бир Томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа Томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва хар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа Томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга («Иштирокчи Томонлар») моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, хар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки хар қандай киймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

5.6.2. бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

5.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўрилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг

қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

5.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача хал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судда хал қилинади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Ушбу шартнома Учқудук туман Газначилик булинмасидан утказилгандан кейин қонуний кучга киради ва шартнома 2022 йил 31-декабрга қадар амал қилади.

8. ЯКУНИИ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

8.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

Навой шаҳри, Лермонтов кўчаси 4 уй
Х/с: 2260400000306107702
«АТБ» Саноатқурилишбанк Тошкент шаҳар
Яшнобод филиали
МФО: 00432, СТИР: 200002538
Тел. рақами: Сотиш бўлими 78-770-36-43;
Бухгалтерия 78-770-34-04.

Е. Тухтамуратов

(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

ZARAFSHON
BUXGALTERIYA

Бухгалтерия
Сотиш бўлими
Юридик бўлими

«Истеъмолчи» Учқудук ДУХ

Манзили: Учқудук тумани
29-улица
Тел. рақами:
Х/с: 100021860122487042203142001
Центрбанк В. Тошкент ш.
(хизмат кўрсатувчи банк номи)
МФО: 00014
СТИР: 200011009 ХХТУТ:

М.Ў. Учқудук тумани Фозилова
(имзо) (Ф.И.О.)

Р/с: 230902000300100001010
26.11.2011.22.919.